

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**



**МАГИСТРАТУРА МУТАХАССИСЛИКЛАРИДА**  
**ИЛМИЙ-ПЕДАГОГИК ИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ**  
**БЎЙИЧА УСЛУБИЙ КЎРСАТМА**

**Гулистон - 2022**

Илмий-педагогик фаолият магистратура ўқув жараёнининг муҳим таркибий қисми бўлиб, тайёрланаётган магистрантларнинг эгаллаган илмий-назарий билимларини бевосита амалиётга тадбиқ этиш, инновацион педагогик ва ахборот-коммуникацион технологиялар асосида дарс машғулотларини ташкил этиш, талабалар билимини баҳолаш борасида халқаро стандартлар ва илғор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш, олий таълим муассасасида таълим сифатини таъминлаш борасидаги фаолият турлари билан амалий танишиш ва илмий-педагогик ишнинг мақсадини белгилаб беради. Шундан келиб чиққан ҳолда, мазкур услубий кўрсатмада Ўзбекистон Республикасининг Таълим тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва магистратура тўғрисидаги Низом талабларидан келиб чиқиб, 70310102 - “Иқтисодиёт” (тармоқлар ва соҳалар бўйича) магистратура мутахассислигининг ўқув режасида кўзда тутилган илмий-педагогик ишни ташкил этиш шакллари, уларни бажариш тартиблари, шу билан бир қаторда, илмий педагогик ишни баҳолаш мезонлари батафсил кўрсатиб берилган.

**Тузувчилар:** доц. О.Сатторкулов, доц.А.Абдувоҳидов, (PhD) Бердиев Ғ.

**Такризчилар:** и.ф.н., доц. А. Бурханов, и.ф.н., доц. А. Мухаметов

Услубий кўрсатма Гулистон давлат университети Ўқув-услубий кенгашининг 2022 йил “29” август №1- сонли йиғилишида муҳокама қилинган ва фойдаланишга тавсия қилинган (ГулДУ Ўқув-услубий кенгашининг 2022 йил “29” август №1-сонли йиғилиши баённомаси).

© Сатторкулов О.Т., Абдувоҳидов А.А, Бердиев Ғ. “Гулистон”, 2022

# 1. ИЛМИЙ-ПЕДАГОГИК ИШНИНГ МАҚСАДИ, ВАЗИФАСИ, ПРЕДМЕТИ ВА ОБЕКТЛАРИ

**Илмий-педагогик ишнинг мақсади** - магистрантларни замон талабларига жавоб бера оладиган **илмий-педагогик фаолиятга** тайёрлашдир.

**Илмий-педагогик ишнинг вазифаси** қўйилган мақсадга, тегишли қонуний меъёрий ҳужжатларда белгиланган талабларга асосланган ҳолда педагогик малака ва кўникмаларга эришишни таъминлашдан иборат. Бу вазифа магистрантларнинг мутахассислик кафедраси томонидан тайинланган юқори малакали илмий раҳбарлар ёрдамида янги педагогик технологияларни ўзлаштиришни, ўқув жараёнида фанлардан олинган назарий ва амалий билимларни тизимли-услубий равишда илмий педагогик фаолиятга жорий қилиш учун кўникмалар ҳосил қилишни ўз ичига олади. Бунда магистрантларга назарий таълим жараёнида ўқитиладиган умумметодологик фанлардан «Махсус фанларни ўқитиш методикаси», «Бизнесни тадқиқ этиш усуллари», «Илмий тадқиқот методологияси» каби фанлар назарий-услубий асос бўлиб хизмат қилади. Илмий-педагогик ишда магистрантларнинг шу фанлардан олган назарий ва амалий билимлари илмий раҳбарлари ёрдамида амалиётда синаб кўришга ҳамда уларни амалга оширишга бевосита ёрдам беради.

**Илмий-педагогик ишнинг предмети** илмий раҳбар томонидан берилладиган маслаҳатлар ва йўл-йўриқлар асосида қўйидаги ишларни бажариш ҳисобланади. Шу билан бирга:

- мутахассислик фанлари бўйича маъруза ва амалий машғулотларга тайёрланиш ва уларни ўтказиш бўйича тажриба орттириш;
- маъруза матнларини тайёрлаш ва амалий машғулотлар ўтказиш бўйича масала (тестлар, қизиқарли ўйинлар ва ҳ.к)лар тўпламини тайёрлаш;
- бакалаврият йўналишлари талабалари билан ишлаш режаларини тузиш ва уларни амалга ошириш;
- янги педагогик ва ахборот технологияларини ўрганиш ва амалда қўллаш;
- талабалар билимларини баҳолаш тизими орқали назорат қилишни ўрганиш ва қўллаш;
- талабалар мустақил билим олишининг ташкилий ва ўқув-услубий таъминотини ўрганиш ҳамда илмий раҳбар билан биргаликда уни такомиллаштириш бўйича фаолият олиб бориш;
- талабалар орасида тарбиявий ишларни олиб бориш;
- кафедра ишларида иштирок этиш;
- меъёрий ҳужжатларни ўрганиш ва бошқалар.

**Илмий-педагогик ишнинг объекти** - мутахассислик кафедраларининг ўқув, ўқув-услубий, илмий-тадқиқот, устоз-шогирд ишлари ва режалари, қонуний-меъёрий ҳужжатлар, ўқув-услубий ишланмалар, бакалавриатура йўналишлари гуруҳлари, кафедра оталиғидаги касб-ҳунар коллежлари,

техникумлар, академик лицейлар, умумий ўрта таълим мактаблари, уларнинг ўқув ва ўқув-услугий фаолиятлари ҳисобланади.

Айтиб ўтиш жоизки, қўйилган мақсадга эришиш, аввало, ундан келиб чиқадиган вазифаларни тўғри режалаштиришга, уларни тўлиқ ва ўз вақтида бажарилишига, шунингдек, кафедра мудирини, магистрантнинг илмий раҳбари ва магистрантнинг шахсий масъулиятига боғлиқдир.

## **2. МАГИСТРАТУРА МУТАХАССИСЛИГИНИНГ ИЛМИЙ ПЕДАГОГИК ИШ БЎЙИЧА МАЛАКА ТАЛАБЛАРИ**

– замонавий педагогик ва ахборот технологияларидан, ўқув-тарбия ишларининг интерфаол усулларидан фойдаланган ҳолда педагогик фаолият маҳорати ва кўникмаларини шакллантириш;

– ўқув жараёнини илмий-услугий жиҳатдан таъминлашни ташкил этиш, малака ва кўникмаларини ҳосил қилиши лозим; шунингдек:

– махсус фанлар бўйича машғулотларнинг ҳар хил турлари: маърузалар, лаборатория ишлари, амалий ва бошқа машғулотларни ўтказиш;

– маъруза матнлари ва машғулотларни ўтказиш режаларини тузиш;

– янги педагогик ва ахборот технологияларни ўрганиш ва қўллаш;

– талабалар билимини баҳолашда рейтинг-назорат тизимини қўллаш;

– талабалар мустақил ишини ташкилий ва ўқув-методик таъминлашни ўрганиш;

– услубий кўрсатмаларни тузиш;

– тарбиявий ишларни ўтказишни назарда тутати.

Шунингдек, магистр илмий-педагогик иш натижалари бўйича:

- янги педагогик ва ахборот технологиялари, ўқув-тарбиявий жараёнини фаоллаштириш услублари, талабалар билимларини 5 баҳолик тизимда баҳолаш;

- мустақил ўқишнинг ташкилий ва ўқув-услугий таъминоти, масофадан ўқитишнинг технологиялари;

- ўқув-услугий қўлланмаларни яратиш асосларини билиши ва улардан фойдалана олиши керак;

- турли машғулотларни ўтказиш, маъруза матнлари ва машғулотлар ўтказиш режаларини тузиш;

- талабалар билимлари назоратининг ташкилий ва ўқув-услугий таъминотини режалаштириш;

- тарбиявий ишнинг ташкилий ва ўқув-услугий таъминоти бўйича тажрибага эга бўлиши керак.

## **3. ИЛМИЙ-ПЕДАГОГИК ИШ МАЗМУНИ**

Илмий-педагогик иш магистратура ўқув жараёнининг муҳим узвий бўлаги бўлиб, унинг мақсади олий таълим муассасасида тайёрланаётган магистрантларнинг егалланган илмий-назарий билимларни бевосита амалий

тадбиқ этиб, илғор педагогик технологиялар асосида билим бериш, педагогик маҳоратини эгаллашларини таъминлашдан иборат.

Магистрантлар илмий-педагогик ишни бажариш давомида ўзларининг магистрлик диссертациясини бажариш билан бирга педагогик тажриба ва кўникмаларни шаклантиришга эга бўладилар.

Университет бўйича илмий-педагогик иш ўтказиш давомида магистрантларга қуйидаги вазифалар қўйилади ва уларнинг илмий раҳбарлари томонидан бевосита назорат қилинади:

**I.** Илмий-педагогик ишни бажариш аввалида магистрантлар турли шаклдаги дарсларни таҳлил қилиб ўрганишлари лозим бўлади. Бундан кўзланган мақсад таълим жараёнини амалга оширишнинг янада мукаммал метод ва шакллари ўзлаштириш орқали машғулотлар мазмунини такомиллаштириб боришдан иборат. Илғор тажрибаларни ўрганиш ва тадбиқ қилиш ўқув-тарбиявий жараёнлар самарадорлигини оширишнинг муҳим омили ҳисобланади. Шу сабабли магистрантлар ҳар бир таҳлил қилинган машғулотдан ўз билим ва тажрибаларини бойитиш учун фойдала ниши ҳамда уларни оммалаштиришга ҳаракат қилмоғи лозим.

**Дарсларни таҳлил қилишда қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратилади:**

1. Ўрганиш учун имкон даражасида ўзида таълимнинг замонавий муаммолари ечимини ақс эттирувчи машғулотни танлаш.

2. Дарсни кузатишда асосий эътибор дарсни баҳолаш эмас, балки магистрант шахсий тажрибасини оширишга қаратилиши.

3. Бир дарсда аниқланган тажрибани бошқа машғулотларда қайси даражада намоён бўлиши ва ўзига хослигига эътибор қаратиш.

4. Қўлланилаётган метод ва усулларнинг эришилган натижалар билан бевосита узвий боғлиқлик омилларини аниқлаш.

5. Аниқланган амалий тажрибаларни назарий манбалар асосида ўрганиб, уларнинг асосланганлик даражасини белгилаш.

Дарсларни таҳлил қилишда амалий, лаборатория ёки семинар машғулотлари кўзда тутилади (*дарс таҳлили варақасининг намунаси 1-илова*).

**II.** Илмий-педагогик ишни бажариш давомида магистрант илмий раҳбари назоратида бирор машғулот шакллари (маъруза, семинар, лаборатория, амалий) мавзуси бўйича дарс ишланмаларини тайёрлаб, илмий раҳбарга тақдим этади

**III.** Ҳар бир магистрант ўтказиладиган ўқув ишлари билан бир қаторда маънавий-маърифий ва тарбиявий тадбирларни ҳам талаб даражасида амалга ошириш кўникмасига эга бўлмоғи лозим.

Бу вазифани илмий-педагогик иш жараёнида амалга ошириш учун магистрантлар йўналиш талабаларига аудиторияда ва ТТЖда дарсдан кейинги вақтда танланган мавзуда маънавий-маърифий ва тарбиявий тадбирлар ўтказилади. Ушбу тадбирларнинг ишланмаси ва сценарийси илмий раҳбар томонидан кўриб чиқилиб, тасдиқлангач уни ўтказиш санаси ва вақти белгилаб олинади.

Агар ўтказиладиган тадбирлар унда иштирок этувчи талабалар сони ва миқёсига кўра икки ва ундан ортиқ магистрантнинг биргаликда иш олиб боришини талаб қилса, илмий раҳбар ва кафедра мудирининг рухсати билан битта тарбиявий тадбирни ўтказилиши икки ва ундан ортиқ талаба учун ҳисобга олинishi мумкин.

Шунингдек, магистрант ўзи танлаган академ гуруҳда мураббийлик соатини ўтказди.

**IV.** Магистрантларнинг ўқув меъёрий ҳужжатларни ўрганиш ва тақриз қилиш кўникмаларини шакллантириш мақсадида илмий-педагогик иш жараёнида кафедранинг умумқасбий ва ихтисослик фанларидан ишчи дастурларни ўрганиш кўзда тутилади. Бунда фанлардан ишчи дастурларни ўрганиш учун қуйидаги масалаларга эътибор қаратилади:

1. Ишчи дастурнинг тегишли давлат таълим стандарти, ўқув режалари ҳамда намунавий дастур билан мазмунан узвийлиги;

2. Ишчи дастурнинг таркибий тузилмаси ва мазмунининг талабга жавоб бериш даражаси;

3. Ишчи дастурда фанга ажратилган умумий соат, унинг машғулот ташкилий шакллари бўйича тақсимоти;

4. Ишчи дастурда мавзулар жойлаштирилишининг мантиқан изчиллиги ва уларга ажратилган ўқув соатларининг мақсадга мувофиқлик даражаси;

5. Назарий ва амалий машғулотларнинг ўзаро узвийлик даражаси;

6. Берилган назорат саволларининг фан мазмунини қамраб олганлик даражаси.

7. Адабиётлар рўйхатининг ишчи дастурига, чоп этилиш даври ва ишчи дастур тилига мувофиқлиги.

Магистрант тақриз қилинган ишчи дастур тақризини тақдим этади.

**V.** Илмий-педагогик ишни бажариш давомида магистрант умумқасбий ва ихтисослик фанларидан бир ёки иккита кўрсатилган 2 та хорижий ўқув адабиётини таҳлил қилади ва уларнинг камида биттасига аннотация тайёрлайди. Аннотацияда таҳлил қилинган дарслик ёки ўқув қўлланманинг қисқача мазмуни ва унинг ўқув предметига мослигини очиб беради (унинг ютуқ ва камчиликлари очиб бериши ҳам мумкин).

**VI.** Илмий-педагогик ишнинг тасдиқланган режасига кўра III-IV-семестрларида магистрант кафедрада юритиладиган меъёрий ҳужжатларни ўрганади. Кафедрага белгиланган топшириқлар юзасидан вазифаларнинг бажарилишини ўрганиш илмий педагогик ишнинг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади.

**VII.** Электрон ишланмаларни тайёрлашдаги вазифалар:

1. Магистрантнинг компьютер саводхонлиги даражасини белгилаш ва ривожлантириш.

2. Кафедрага тегишли фанларидан электрон ишланмалар базасини кенгайтириш.

Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда электрон ишланма мавзусини магистрант илмий раҳбар ва кафедра мудирини билан келишган ҳолда белгилаб олади. Электрон ишланма муайян мавзудаги слайдлар мажмуаси, электрон

дарсликнинг битта мавзусини ишлаб чиқиш, кафедра фанларига тааллуқли жараёнларнинг компютерли модели ва ҳ.к. бўлиши мумкин.

**VIII.** Магистрантнинг илмий-педагогик ишни бажариши бўйича ҳафталик мониторинг олиб борилади ва ой якунида кафедра йиғилишида ҳисобот топширади. Семестр якунида илмий раҳбар шу ҳисобот асосида 100 баллик шкала тизимида амалга оширилган ишларни баҳолайди.

Семестрлар бўйича Илмий-педагогик иш ҳисоботлари А4 форматдаги қоғозда қўлёзма ёки компютерда умумлаштирилади.

Тайёрланган ҳисобот, аввало, магистрант, илмий раҳбар ҳамда кафедра мудир томонидан имзоланади.

#### **4. ИЛМИЙ-ПЕДАГОГИК ИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ**

Илмий-педагогик иш асосан мутахассислик кафедраси ва улар томонидан тайинланган магистрантларнинг илмий раҳбарлари билан биргаликда ташкил қилинади ҳамда 1-2-3-4-семестрларда магистрантнинг амалий фаолияти шаклида амалга оширилади. Илмий-педагогик ишни ўтказишни ташкил қилиш ва амалга ошириш мутахассислик кафедраси мудир ва тайинланган илмий раҳбар зиммасига юкланади. Бунинг учун ҳар бир кафедра ўзига бириктирилган магистрантларни семестр олдида маърузачи ва амалиёт дарсларини олиб боровчи юқори малакали профессор-ўқитувчиларга тақсимлайди. Унга биноан магистрантлар маърузачи ва амалиёт дарслари олиб боровчи профессор-ўқитувчиларга «ассистент»лик қиладилар ва бу жараён белгиланган тартибда расмийлаштирилади. Магистрант Илмий-педагогик ишни қаерда олиб боришидан қатъий назар, тайинланган илмий раҳбарнинг даволат дафтарида ва кафедра рўйхатида ўз аксини топиши, назорат қилиниши, тасдиқланган режадаги унга тегишли барча ишлар белгиланган тартибда ва муддатларда бажариши шарт.

Ўқув режасидан келиб чиққан ҳолда илмий-педагогик иш магистратуранинг 1-2-3-4-семестрларида узлуксиз амалга оширилиши керак. Бунда 1-семестр давомида ўқув жадвалида ҳафтасига 2 соат, 2-семестрда 2 соат, 3-семестрда 2 соат, 4-семестрда эса 4 соатдан ажратилади. Бу кунлари магистрантлар кафедрада илмий-педагогик фаолиятни ўзларининг илмий раҳбарлари бошчилигида, кафедрадан бириктирилган масъул (илмий салоҳиятли профессор-ўқитувчи) ва кафедра мудир назорати остида тасдиқланган режага биноан ўташлари лозим.

**5. ИЛМИЙ-ПЕДАГОГИК ИШГА СЕМЕСТРЛАР БЎЙИЧА  
АЖРАТИЛГАН СОАТЛАРНИНГ ТАҚСИМОТИ  
(2022-2023 ўқув йили 1 курс учун)**

семестр	юклама	аудитория	Мустақил таълим
<b>1</b>	<b>120</b>	<b>60</b>	<b>60</b>
<b>2</b>	<b>120</b>	<b>60</b>	<b>60</b>
<b>3</b>	<b>120</b>	<b>60</b>	<b>60</b>
<b>4</b>	<b>240</b>	<b>120</b>	<b>120</b>
<b>жами</b>	<b>600</b>	<b>300</b>	<b>300</b>

**6. МАГИСТРАНТЛАР ТОМОНИДАН БАЖАРИЛАДИГАН ИЛМИЙ  
ПЕДАГОГИК ИШ МАЗМУНИ ВА ТАҚСИМЛАНИШИ**

**6.1. Магистрантлар бажарадиган илмий-педагогик ишни семестрлар  
бўйича тақсимланиши  
1-СЕМЕСТР**

№	Бажариладиган ишлар номи	соат
<b>1</b>	<b>Илмий-педагогик ишнинг мақсади, вазифаси, объекти ва магистрантларга қўйиладиган талабларни ўрганиш</b>	<b>4</b>
<b>2</b>	<b>Таълим соҳасига оид қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар ўрганиш</b>	<b>8</b>
	Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонунини ўрганиш	
	Магистратура тўғрисидаги Низомни ўрганиш	
	Илмий амалиёт (стажировка) тўғрисидаги Низомни ўрганиш	
	Ўз.Р Президентининг 08.10.2019й.даги ПФ-5847-сон билан тасдиқланган “Ўз.Р олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси”ни ўрганиш	
<b>3</b>	<b>Университетда бакалавриат ва магистратурага оид ўқув жараёнига жорий қилинган меъёрий ҳужжатларни ўрганиш</b>	<b>8</b>
	Ўқув режанинг тузилишини ўрганиш	
	Фан дастурининг тузилишини ўрганиш	
	Ишчи дастурнинг тузилишини ўрганиш	
	Гуруҳ журналларининг юритилишини ўрганиш	
	Дарс жадвалини ўрганиш	
<b>4</b>	<b>Олий ўқув юрти бакалавр йўналишида ўқитиладиган фанлар тизимини ўрганиш</b>	<b>8</b>
	Бакалавриат йўналиши ўқув режасида ўқитиладиган фанларни блокларга ажратилишини ўрганиш	
	Бакалавриат йўналиши ўқув режасида ўқув соатларининг ажратилишини ўрганиш	
<b>5</b>	<b>Дарслик ва қўшимча адабиётлар билан ишлаш. Бакалавриат йўналиши учун чоп этилган адабиётлар, дарсликлар билан танишиб чиқиш</b>	<b>6</b>
	Фан дастурларида тавсия этилган асосий адабиётлар рўйхатини	



	шакллантириш	
	Ахборот-ресурс марказини умумқасбий ва мутахассислик фанларига оид ўқув адабиётлари билан таъминланганлигини таҳлил қилиш	
	Янги чоп этилган дарсликлар билан танишиш	
	Янги чоп этилган ўқув қўлланмалар ва услубий кўрсатмалар билан танишиш	
<b>6</b>	<b>Илмий раҳбар иш фаолиятини ва дарс берадиган фанлари бўйича яратиладиган ўқув-услубий хужжатларни таҳлилий ўрганиш.</b>	<b>6</b>
	ИПИ раҳбарининг шахсий иш режаси билан танишиб чиқиш	
	ИПИ раҳбари ўқув юкламаси ва дарс жадвали билан танишиш	
	ИПИ раҳбари ўқув юкламасидаги фанлар бўйича тайёрлаган ишчи дастурлар билан танишиш	
	ИПИ раҳбарининг ўқув фанлари учун тузган тақвим режасини ўрганиш	
	ИПИ раҳбарининг ярим йиллик ва йиллик ҳисоботлари билан танишиб чиқиш	
	ИПИ раҳбари томонидан тайёрланган ЎУМлар билан танишиб чиқиш	
<b>7</b>	<b>Бакалаврият таълим йўналишлари талабаларига танланган ўқув предмети мавзуси бўйича маъруза матни тайёрлаш ва илмий раҳбар иштирокида дарс ташкил этиш.</b>	<b>4</b>
	Маъруза ўтиладиган фан билан танишиб чиқиш	
	Ўтиладиган мавзуга оид маъруза матнини тайёрлаш	
	Мавзуга оид тестлар, таянч иборалар ва назорат саволлари тузиш	
	Мавзуга оид тақдимот тайёрлаш	
	Таълим технологиясини тайёрлаш	
	Белгиланган академик гуруҳларда маъруза (амалий) машғулотларни ўтказиш	
<b>8</b>	<b>Маъруза ва амалий машғулотларга катнашиш (дарс таҳлили) ва ўқитувчиларнинг педагогик маҳоратларини ўрганиш</b>	<b>8</b>
<b>9</b>	<b>Илмий раҳбар ажратиб берган мавзуга маъруза матни ва амалий машғулот ишланмасини тайёрлаш</b>	<b>8</b>
	<b>Жами</b>	<b>60</b>

## 2-СЕМЕСТР

№	Бажариладиган ишлар номи	соат
<b>1</b>	<b>Умумқасбий ва ихтисослик фанлари бўйича ўқув услубий мажмуалар тайёрлаш бўйича тажриба орттириш</b>	<b>4</b>
	Кафедрада янги талаб асосида тайёрланадиган ЎУМларни ўрганиш	
	Кафедрада юқори курслар учун тайёрланадиган ЎУМлар тузилишини ўрганш	
<b>2</b>	<b>Ўқув фанларидан тақвим режа ва таълим технологияларини тайёрлаш</b>	<b>4</b>

	ИПИ раҳбари тавсия этган фан бўйича таквим режа тайёрлаш	
	ИПИ раҳбари тавсия этган фан мавзулари бўйича таълим технологиясини тайёрлаш (камида 2 та мавзуга)	
3	<b>Умумқасбий ва ихтисослик фанлари бўйича амалий машғулотларга тайёрланиш ҳамда уларни ўтказиш бўйича амалий машғулотлар ишланмалари, масалалар тўплами, кизиқарли ўйинлар тайёрлаш</b>	4
	Амалий машғулотларга ажратиладиган ўқув соатларини ўрганиш	
	Тавсия этилган амалий машғулот мазуси учун дарс ишланмаси тайёрлаш	
4	<b>Умумқасбий ва ихтисослик фанлари бўйича таянч сўз ва иборалар, саволлар тўплами, тестлар тайёрлаш</b>	4
5	<b>Адабиётлардан фойдаланиб янги педагогик технологиялар ва дарс ўтишининг интерфаол усулларини ўрганиш</b>	4
6	<b>Ахборот технологиялари ва дарсларда техник воситалардан фойдаланишни ўрганиш</b>	4
	Таълим порталлари ҳамда соҳага оид интернет сайтлари билан танишиш	
	Кафедрада ўқув машғулотларида фойдаланиладиган техник воситалар билан танишиш	
7	<b>Талабаларнинг мустақил билим олишини ташкилий ва ўқув услубий таъминотини ўрганиш</b>	8
	Талабалар мустақил таълим олишининг мақсад ва вазифаларини ўрганиш	
	Мустақил таълим соатларини ишчи дастурларда акс этишини ўрганиш	
	Кафедрада талабалар мустақил таълимини ташкил этиш шакллари ўрганиш	
8	<b>Бакалаврият таълим йўналишлари талабаларини ўқув малакавий амалиётини ўтказишга раҳбарлик қилишни ўрганиш ва илмий раҳбар ассистенти сифатида уларга раҳбарлик қилиш ҳамда малакавий амалиётлар якуний ҳисоботи ҳимояларида ёрдамчи сифатида қатнашиш</b>	8
	Талабаларни малакавий амалиётга чиқаришга бағишланган йиғилишда қатнашиш	
	Йўналиш бўйича малакавий амалиёт дастури билан танишиш	
	Малакавий амалиёт объектида амалиёт раҳбари ҳамкорлигида амалиётга раҳбарлик қилиш (камида 2 кун).	
	Талабаларнинг малакавий амалиёти бўйича якуний ҳисоботларини қабул қилишда иштирок этиш	
9	<b>Бакалаврият таълим йўналишлари талабаларига танланган ўқув предмети мавзуси бўйича маъруза матни тайёрлаш ва илмий раҳбар иштирокида дарс ташкил этиш.</b>	6
	Маъруза ўтиладиган фан билан танишиб чиқиш	

	Ўтиладиган мавзуга оид маъруза матнини тайёрлаш	
	Мавзуга оид тестлар, таянч иборалар ва назорат саволлари тузиш	
	Мавзуга оид тақдимот тайёрлаш	
	Таълим технологиясини тайёрлаш	
	Белгиланган академик гуруҳларда маъруза (амалий, семинар) машғулотларни ўтказиш	
10	<b>Маъруза ва амалий машғулотларга қатнашиш (дарс тахлили) ва ўқитувчиларнинг педагогик маҳоратларини ўрганиш</b>	<b>8</b>
11	<b>Илмий раҳбар ажратиб берган мавзуга маъруза матни ва амалий машғулот ишланмасини тайёрлаш</b>	<b>6</b>
	<b>Жами</b>	<b>60</b>

### 3-СЕМЕСТР

№	Бажариладиган ишлар номи	соат
<b>1</b>	<b>Кафедранинг ўқув жараёнига ва иш фаолиятига тегишли меъёрий ҳужжатларни ўрганиш.</b>	<b>4</b>
	Кафедра Низоми ва таркибини ўрганиш	
	Кафедранинг жиҳозланишини ўрганиш	
	Кафедрадаги иш режаларни ўрганиш	
	Йўналиш ўқув режаларини ўрганиш	
	Бакалаврият йўналиши ва магистратура мутахассислиги ДТСлари билан танишиш	
	Бакалаврият йўналиши, магистратура мутахассислиги фан дастурлари ва ишчи дастурларни ўрганиш	
	“Вақт меъёрлари”ни ва шу асосда ўқув юкламаларини тақсимланишини ўрганиш	
	Кафедра педагог ходимларининг шахсий иш режаларининг ўрганиш тўлдирилишини	
	Кафедрада юритиладиган ҳужжатлар жамланмасини (22 та папка) ўрганиш	
<b>2</b>	<b>Кафедрада “Устоз-шогирд” ишларини олиб борилиши ва кафедра йиғилиши баённомаларини ўрганиш</b>	<b>4</b>
	Кафедранинг “Устоз-шогирд” иш режасини ўрганиш	
	Кафедранинг “Устоз-шогирд” иш режаси доирасида ўтказиладиган маънавий ва маърифий ишларда фаол иштирок этиш	
	Кафедрада ўтказиладиган йиғилишларда директив ҳужжатлар ижросини ва қўриладиган масалаларни ўрганиш	
	“Устоз-шогирд” иш режасини бажарилишига доир йиғилиш баённомалари билан танишиш	
<b>3</b>	<b>Бакалаврият таълим йўналишлари талабаларига танланган ўқув предмети мавзуси бўйича маъруза матни тайёрлаш ва илмий раҳбар иштирокида дарс ташкил этиш.</b>	<b>4</b>
	Маъруза ўтиладиган фан билан танишиб чиқиш	
	Ўтиладиган мавзуга оид маъруза матнини тайёрлаш	

	Мавзуга оид тестлар, таянч иборалар ва назорат саволлари тузиш	
	Мавзуга оид тақдимот тайёрлаш	
	Таълим технологиясини тайёрлаш	
	Белгиланган академик гуруҳда маъруза машғулотини ўтказиш	
<b>4</b>	<b>Бакалаврият таълим йўналишлари талабаларининг малака (педагогик) амалиётини ўтказишга раҳбарлик қилишни ўрганиш ва илмий раҳбар ассистенти сифатида уларга раҳбарлик қилиш ҳамда амалиёт ҳисоботи ҳимояларида қатнашиш</b>	<b>4</b>
	Малака (педагогик) амалиётга оид ҳужжатлар билан танишиш	
	Талабаларнинг малака (педагогик) амалиёт ҳужжатлари билан танишиш	
	Талабаларнинг ўқув машғулотларини кузатиш	
	Малака (педагогик) амалиёт якуни бўйича ҳисоботларни қабул қилишда қатнашиш	
<b>5</b>	<b>Фанлар бўйича талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш мезонларини ўрганиш</b>	<b>4</b>
	Талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг тизими тўғрисидаги Низомни ўрганиш (Ўз.Р. ОЎМТВ 2018й. 09.08.ги 19-2018-сон буйруғига илова)	
	Кафедра Пўнинг ОН ва ЯН баҳоларини электрон тизимда қайдномаларга расмийлаштиришларини ўрганиш	
	Ўқув режасидаги ихтиёрий ўқув фанининг баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш	
<b>6</b>	<b>Бакалавр таълим йўналишлари талабаларининг курс ишларини бажарилишига курс иши раҳбарининг назорати остида маслаҳатчи бўлиш, курс ишлари ҳимоясида қатнашиш</b>	<b>4</b>
	Бакалаврият йўналиши ўқув режаларида курс ишлари режалаштирилган фанлар ва курс иши банкларини ўрганиш	
	Талабаларга курс ишлари режаларини тузиш ва бажарилиши бўйича маслаҳатлар бериш	
	Курс ишлари ҳимоясида иштирок этиш	
<b>7</b>	<b>Кафедра профессор-ўқитувчилари раҳбарлик қилаётган гуруҳларда “Устоз-шогирд” ишларини олиб боришни ўрганиш ва гуруҳ раҳбарлари назорати остида бу ишларни ташкил этишда қатнашиш</b>	<b>6</b>
	Академик гуруҳда “Устоз-шогирд” ишлари бўйича олиб бориладиган ишларни ўрганиш	
	Гуруҳнинг “Устоз-шогирд” иш режасини таҳлил қилиш	
	Гуруҳда ўтказиладиган “Ахборот ва мураббийлик соати”да иштирок этиш (камида 3 марта)	
	Гуруҳ тьютери назоратида “Ахборот ва мураббийлик соати” дарсини ўтказиш	
<b>8</b>	<b>Кафедра қошидаги ўқув тўғараги фаолиятини ўрганиш ва</b>	<b>8</b>

	<b>тўғарак ишларида қатнашиш</b>	
	Кафедра қошидаги ўқув тўғараги Низоми ва иш режаси билан танишиш	
	Ўқув тўғараги иш режаси асосида тўғарак ишларида қатнашиш (камида 3 марта)	
	Тўғарак раҳбари назорати остида тўғарак ишини юргизиш	
<b>9</b>	<b>Бакалаврият таълим йўналишлари талабаларига танланган ўқув предмети мавзуси бўйича маъруза матни тайёрлаш ва илмий раҳбар иштирокида дарс ташкил этиш.</b>	<b>8</b>
	Маъруза ўтиладиган фан билан танишиб чиқиш	
	Ўтиладиган мавзуга оид маъруза матнини тайёрлаш	
	Мавзуга оид тестлар, таянч иборалар ва назорат саволлари тузиш	
	Мавзуга оид тақдимот тайёрлаш	
	Таълим технологиясини тайёрлаш	
	Белгиланган академик гуруҳларда маъруза (амалий, семинар) машғулотларни ўтказиш	
<b>10</b>	<b>Маъруза ва амалий машғулотларга қатнашиш (дарс тахлили) ва ўқитувчиларнинг педагогик маҳоратларини ўрганиш</b>	<b>8</b>
<b>11</b>	<b>Илмий раҳбар ажратиб берган мавзуга маъруза матни ва амалий машғулот ишланмасини тайёрлаш</b>	<b>6</b>
	<b>Жами</b>	<b>60</b>

#### 4-СЕМЕСТР

<b>№</b>	<b>Бажариладиган ишлар номи</b>	<b>соат</b>
<b>1</b>	<b>Кафедранинг ўқув жараёнига ва иш фаолиятига тегишли меъёрий ҳужжатларни ўрганиш.</b>	<b>10</b>
	Кафедрада профессор-ўқитувчилар вазифалари ва мажбуриятларини ўрганиш	
	Кафедрада илмий салоҳиятни ўрганиш	
	Йўналиш ўқув режаларини ўрганиш	
	Бакалаврият йўналиши ва магистратура мутахассислиги Малака талаб ( ДТС)лари билан танишиш	
	Бакалаврият йўналиши, магистратура мутахассислиги фан дастурлари ва ишчи дастурларни ўрганиш	
<b>2</b>	<b>Умумқасбий ва ихтисослик фанлари бўйича таянч сўз ва иборалар, саволлар тўплами, тестлар тайёрлаш</b>	<b>10</b>
<b>3</b>	<b>Адабиётлардан фойдаланиб янги педагогик технологиялар ва дарс ўтишнинг интерфаол усулларини ўрганиш</b>	<b>10</b>
<b>4</b>	<b>Кафедрада ўқув-услугий ишларни олиб борилиши ва кафедра йиғилиши баённомаларини ўрганиш</b>	<b>10</b>
	Кафедранинг ўқув-услугий иш режасини ўрганиш	
	Кафедрада олиб борилаётган ўқув-услугий ишларда қатнашиш	
	Ўқув-услугий ишларни ижросига доир кафедра йиғилиш баённомалари билан танишиш	

<b>5</b>	<b>Кафедранинг истиқболли режасини ўрганиш</b>	<b>10</b>
	Кафедрани яқин беш йиллик ва 10 йилликда амалга оширилиши режалаштирилган илмий-тадқиқот, ўқув, ўқув-услубий, устоз-шогирд ишларини ўрганиш.	
	Кафедрада илмий салоҳиятни ошириш бўйича олиб борилаётган ишлар билан танишиш.	
	Кафедрада яратилаётган адабиётлар ва уларни тайёрланиш жараёнлари билан танишиш	
<b>6</b>	<b>Кафедрада амалга оширилаётган хўжалик шартномалари, фундаментал, амалий-инновацион грантлар билан танишиш</b>	<b>10</b>
	Кафедрада амалга оширилаётган хўжалик шартномалари, фундаментал, амалий-инновацион грантлар билан танишиш ва уларни ўрганиш	
	Кафедрада амалга оширилаётган хўжалик шартномалари, амалий-инновацион грантларнинг ҳисоботларини ўрганиш	
	Хўжалик шартномалари, фундаментал, амалий-инновацион грантларни тайёрлаш жараёнларини таҳлил этиш	
<b>7</b>	<b>Бакалаврият таълим йўналишлари талабаларига танланган ўқув предмети мавзуси бўйича маъруза матни тайёрлаш ва илмий раҳбар иштирокида дарс ташкил этиш.</b>	<b>8</b>
	Маъруза ўтиладиган фан билан танишиб чиқиш	
	Ўтиладиган мавзуга оид маъруза матнини тайёрлаш	
	Мавзуга оид тестлар, таянч иборалар ва назорат саволлари тузиш	
	Мавзуга оид тақдимот тайёрлаш	
	Таълим технологиясини тайёрлаш	
	Белгиланган академик гуруҳда маъруза (амалий, семинар) машғулотини ўтказиш	
<b>8</b>	<b>Бакалаврият таълим йўналишлари талабаларининг малака (педагогик) амалиётини ўтказишга раҳбарлик қилишни ўрганиш ва илмий раҳбар ассистенти сифатида уларга раҳбарлик қилиш ҳамда амалиёт ҳисоботи ҳимояларида қатнашиш</b>	<b>10</b>
	Малака (педагогик) амалиётга оид ҳужжатлар билан танишиш	
	Талабаларнинг малака (педагогик) амалиёт ҳужжатлари билан танишиш	
	Малака (педагогик) амалиёт якуни бўйича ҳисоботларни қабул қилишда қатнашиш	
<b>9</b>	<b>Фанлар бўйича талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш мезонларини ўрганиш</b>	<b>10</b>
	Талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг тизими тўғрисидаги Низомни ўрганиш (Ўз.Р. ОЎМТВ 2018й. 09.08.ги 19-2018-сон буйруғига илова)	
	Кафедра ПЎнинг ОН ва ЯН баҳоларини электрон тизимда қайдномаларга расмийлаштиришларини ўрганиш	
	Ўқув режасидаги ихтиёрий ўқув фанининг баҳолаш мезонларини	

	ишлаб чиқиш	
<b>10</b>	<b>Кафедранинг йиллик, ярим йиллик ўқув, ўқув-услубий, илмий-тадқиқот ва устоз-шогирд ишлари бўйича ҳисоботлари билан танишиш</b>	<b>8</b>
	Кафедра профессор-ўқитувчиларининг ярим йиллик ва йиллик ўқув-услубий, илмий-тадқиқот ва устоз-шогирд ишлари бўйича ҳисоботлари ҳамда кафедранинг умумий ҳисоботини ўрганиш	
	Кафедранинг йиллик, ярим йиллик ўқув, ўқув-услубий, илмий-тадқиқот ва устоз-шогирд ишлари бўйича ҳисоботларига доир кафедра йиғилишларида иштирок этиш	
<b>11</b>	<b>Бакалавр таълим йўналишлари талабаларининг курс ишларини бажарилишига курс иши раҳбарининг назорати остида маслаҳатчи бўлиш, курс ишлари ҳимоясида қатнашиш</b>	<b>8</b>
	Бакалаврият йўналиши ўқув режаларида курс ишлари режалаштирилган фанлар ва курс иши банкларини ўрганиш	
	Талабаларга курс ишлари режаларини тузиш ва бажарилиши бўйича маслаҳатлар бериш	
	Курс ишлари ҳимоясида иштирок этиш	
<b>12</b>	<b>Маъруза ва амалий машғулотларга қатнашиш (дарс тахлили) ва ўқитувчиларнинг педагогик маҳоратларини ўрганиш</b>	<b>8</b>
<b>13</b>	<b>Илмий раҳбар ажратиб берган мавзуга маъруза матни ва амалий машғулот ишланмаси тайёрлаш</b>	<b>8</b>
	<b>Жами</b>	<b>120</b>

**Илмий-педагогик ишни бажариш учун белгиланган вазифалар ва уларни семестрлар кесимида амалга ошириш тартиби**

**1-СЕМЕСТР**

<b>№</b>	<b>ИПИни бажариш учун белгиланган вазифалар</b>	<b>Амалга ошириладиган ишлар</b>	<b>100 баллик шкала</b>
<b>1</b>	<b>Илмий-педагогик ишнинг мақсади, вазифаси, объекти ва магистрантларга қўйиладиган талабларни ўрганиш</b>	Илмий-педагогик иш магистратура ўқув жараёнининг муҳим узвий бўлаги эканлигини, унинг мақсади олий таълим муассасасида тайёрланаётган магистрантларнинг эгаллаган илмий-назарий билимларини бевосита амалиётга тадбиқ этиб, илғор ЗПТ асосида билим бериш кўникмасига эга бўлишни ҳамда ИПИни бажариш тартибини ўрганади	<b>5</b>
<b>2</b>	<b>Таълим соҳасига оид қонунлар ва меъёрий ҳужжатларни ўрганиш</b>	“Таълим тўғрисида”ги Қонун қабул қилинган сана, Қонуннинг мақсади, унинг нечта боб ва моддалардан иборатлиги, таълим тизими, таълим турлари ва бошқаларни ўрганади	<b>12</b>
	Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонунини ўрганиш		<b>3</b>

	Магистратура тўғрисидаги Низомни ўрганиш	Магистратура тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақидаги қарор санаси, Низомда магистрлар тайёрлашга қўйиладиган талаблар, магистрантларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, магистратурада таълим жараёнини ташкил этиш, магистратурада педагогик фаолиятга жалб этиладиган ўқитувчиларга қўйиладиган умумий малака талаблари, мавзунини танлаш ва илмий раҳбарни тайинлаш, магистрлик диссертациясининг тузилиши ва унинг мазмунига қўйиладиган талаблар, дастлабки ва расмий ҳимояни ўтказиш тартиби, магистратура талабалари фаолиятини мониторинги, ОТМда магистрлар тайёрлашни ташкил этиш босқичларини ҳамда магистратура талабасининг календар иш режасини тузилишини ўрганади.	3
	Илмий амалиёт (стажировка)ни ўташ тўғрисидаги Низомни ўрганиш	Илмий амалиёт (стажировка)ни ўташ тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақидаги қарор санаси, Низомда стажировкага қўйиладиган талаблар, магистрантларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, стажировкани ташкил этиш, стажировкага жалб этиладиган ўқитувчиларга қўйиладиган умумий малака талаблари, объектни танлаш ва стажировкани ташкил этиш, стажировкани қабул қилувчи ташкилот ва унинг мазмунига қўйиладиган талаблар, стажировкага раҳбарлик қилиш, уни ўташ босқичлари, магистратура талабалари фаолиятини мониторинги, ОТМда магистрлар тайёрлашни ташкил этиш босқичлари ҳамда магистратура талабасининг стажировка кундалиги иш режасини тузилишини ўрганади.	3
	Ўз.Р Президентининг 08.10.2019й.даги ПФ-5847-сон билан тасдиқланган “Ўз.Р олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси”ни ўрганиш	“Ўз.Р олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси” га мувофиқ ОТМни кредит-модуль тизимига ўтиш жараёни, кредит-модуль тизими моҳияти, ундаги ўқув юкларини, ўқиш натижалари, аудитория ва мустақил соатлар, кредит-модуль тизими тамойиллари, уни ижобий томонларини ўрганади.	3
<b>3</b>	<b>Университетда бакалаврият ва магистратурага оид ўқув жараёнига</b>		<b>14</b>



	<b>жорий қилинган меъерий ҳужжатларни ўрганиш</b>		
	Ўқув режа тузилишини ўрганиш	Намунавий ва ишчи ўқув режаларни солиштириш, ўқув жараёни жадвалини ўрганиш	3
	Фан дастури тузилишини ўрганиш	Фан дастурининг тузилишини ўрганиш. Фаннинг назарий ва амалий машғулоти ҳамда мустақил таълим мазмунининг берилишини ўрганиш	3
	Ишчи дастур тузилишини ўрганиш	Ишчи дастурни расмийлаштирилиши ни ҳамда фан дастури асосида шакл лантирилишини ўрганиш. Маъруза ва амалий машғулотларнинг фан учун ажратилган соатларга тақсимланишини ўрганиш.	2
	Гуруҳ давоматини НЕМIS (ОТМ ўқув жараёнларини бошқариш ахборот тизими) ни электрон журналида юритилишини ўрганиш	Электрон журнал билан танишиб чиқиш. Журналга фанлар ва фан ўқитувчиси тўғрисидаги маълумот тушириладиган жадвалини ўрганиш. Машғулотлар учун ажратилган саҳифаларда фан ўқитувчи сига тегишли қисмларни тўлдиришни ўрганиш. Талабалар давоматини қайд этиш, ОН, ЯН балларини журналга расмийлаштиришни ўрганиш	3
	Дарс жадвалини ўрганиш	Йўналиш ва мутахассисликда дарс жадвалини тасдиқланишини ўрганиш. Дарс жадвалига ўқув режасидаги фанларни қўйилишини ўрганиш	3
<b>4</b>	<b>Олий таълимда бакалавр йўналишида ўқитиладиган фанлар тизимини ўрганиш</b>		<b>6</b>
	Бакалаврият йўналиши ўқув режасида ўқитиладиган фанларни блокларга ажратилишини ўрганиш	Ўқув блоклари, фанлар ва фаолият турларининг номларини ўрганиш, талабанинг ўқув юкмасида умумий юкмага ажратилган соатларни ўрганиш	3
	Бакалаврият йўналиши ўқув режасида ўқув соатларини ажратилишини ўрганиш	Соатларнинг курс, семестр ва ҳафталар бўйича тақсимотини ўрганиш	3
<b>5</b>	<b>Дарслик ва қўшимча адабиётлар билан ишлаш. Бакалаврият йўналиши учун чоп этилган адабиётлар, дарсликлар билан танишиб чиқиш</b>		<b>10</b>
	Фан дастурларида тавсия этилган асосий адабиётлар рўйхатини шакллантириш	Бакалаврият йўналишида ўқитиладиган фан дастурларида тавсия этилган асосий адабиётлар рўйхатини тузиш (энг камида 4 та умумқасбий ва ихтисослик фанларидан)	3
	Ахборот-ресурс марказини умумқасбий ва мутахассислик фанларини ўқув адабиётлари билан таъминланган	АРМда бакалаврият йўналиши учун тавсия этилган ўқув адабиётлари каталогини тузиш	3

	лигини таҳлил қилиш		
	Янги чоп этилган дарсликлар билан танишиш	Бакалавриат йўналиши учун тавсия этилган янги дарсликлар билан танишиш	2
	Янги чоп этилган ўқув қўлланмалар ва услубий кўрсатмалар билан танишиш	Бакалавриат йўналиши учун тавсия этилган янги ўқув қўлланмалар, услубий қўлланма ва кўрсатмалар билан танишиш	2
<b>6</b>	<b>Илмий раҳбар иш фаолиятини ва дарс берадиган фанлари бўйича яратиладиган ўқув-услубий ҳужжатларни таҳлилий ўрганиш</b>		<b>14</b>
	ИПИ раҳбарининг шахсий иш режаси билан танишиб чиқиш	ИПИ раҳбарининг шахсий иш режасининг “Вақт меъёрлари талаблари асосида” тўлдирилишини ўрганиш	3
	ИПИ раҳбари ўқув юкламаси ва дарс жадвали билан танишиш	ИПИ раҳбари шахсий иш режасида ўқув юкламани тақсимланиши ва уни дарс жадвалига қўйилишини ўрганиш	3
	ИПИ раҳбари ўқув юкламаси бўйича тайёрлаган ишчи дастурлар билан танишиш	ИПИ раҳбари ўқув юкламасидаги фанлар бўйича тайёрлаган ишчи дастурлар тузилишини ўрганиш	2
	ИПИ раҳбарининг ўқув фанлари учун тузган тақвим режасини ўрганиш	Ўқув фанлари бўйича ИПИ раҳбари тузган тақвим режасида соатлар тақсимланиши ва уни расмийлаштиришни ўрганиш	2
	ИПИ раҳбарининг ярим йиллик ва йиллик ҳисоботлари билан танишиб чиқиш	ИПИ раҳбарининг шахсий иш режани бажарилиши бўйича ярим йиллик ва йиллик ҳисоботларини ўрганиш	2
	ИПИ раҳбари томонидан тайёрланган ЎУМлар билан танишиб чиқиш	ИПИ раҳбари томонидан ўқув йили учун тайёрланган ЎУМлар билан танишиш. ЎУМларга қўйиладиган талаблар ва уларнинг таркибини ўрганиш. Янги ЎУМлар таркибини ўрганиш	2
<b>7</b>	<b>Бакалавриат таълим йўналишлари талабаларига танланган ўқув предмети мавзуси бўйича маъруза матни тайёрлаш ва илмий раҳбар иштирокида дарс ташкил этиш (семестр давомида камида 4 та дарс машғулоти)</b>		<b>21</b>
	Маъруза ўтиладиган фан билан танишиб чиқиш	ИПИ раҳбари томонидан ўтиладиган маърузалар билан танишиш	2
	Ўтиладиган мавзуга маъруза матни тайёрлаш	ИПИ раҳбари билан келишган ҳолда икки соатлик машғулотга мўлжалланган маъруза матни тайёрлаш (маъруза матни кўпи билан 1 босма тобоқ ҳажмда).	3
	Мавзуга оид тестлар, таянч иборалар ва назорат саволлари тузиш	Ўтиладиган мавзуга оид 10 та назорат саволлари, 10 та тестлар, 10 та таянч иборалар, камида 2 та тарқатма материаллар тайёрланади	2
	Мавзуга оид тақдимот тайёрлаш	Мавзуга оид слайдлар тайёрлаш (камида 8 та слайддан иборат). Тақдимот слайдлари фақат матндан иборат бўлиб қолмаслиги	3

		лозим. Кўргазмали, жадваллар, расмлар, карта, чизма ва мультимедияли бўлиши мақсадга мувофиқ.	
	Таълим технологиясини тайёрлаш	Ўтиладиган мавзуга тайёрланган ўқув таълим воситаларига асосланган ҳолда таълим технологиясини тузиш	3
	Белгиланган академик гуруҳда маъруза машғулоти ўтказиш	Дарс жадвали асосида белгиланган гуруҳда кафедра ПЎ ва магистрларни жалб қилган ҳолда маъруза машғулотини ўтказиш	8
8	<b>Маъруза ва амалий машғулотларга қатнашиш ва ПЎларнинг педагогик маҳоратларини ўрганиш (семестр давомида камида 4 та дарс (маъруза, амалий) машғулоти)</b>	Кафедра мудири тузиб берган график асосида малакали профессор-ўқитувчиларнинг педагогик маҳоратини ўрганиш ва иловадаги дарс кузатиш қайдномасини тўлдириш	<b>10</b>
9	<b>Илмий раҳбар ажратиб берган мавзуга маъруза матни ва амалий машғулоти ишланмасини тайёрлаш</b>	Танланган ўқув фани мавзуси бўйича маъруза матни ва амалий машғулоти ишланмасини тайёрлаш (тестлар, назорат саволлари, тарқатма материаллар билан биргаликда).	<b>8</b>
	<b>жами</b>		<b>100</b>

## 2-СЕМЕСТР

№	ИПИнини бажариш учун белгиланган вазифалар	Амалга ошириладиган ишлар	100 баллик шкала
